

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ ҚОШИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАТОВ МУЗАФФАР НУРАЛИЕВИЧ

**ТУРКИСТОН ТОҒ ТИЗМАСИДА НИНАБАРГЛИ ДАРАХТ ТУРЛАРИ
ИНТРОДУКЦИЯСИ ВА БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

диссертацияси автореферати мундарижаси

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Туратов Музаффар Нуралиевич

Туркистон тоғ тизмасида нинабаргли дарахт турлари интродукцияси ва
биоэкологик хусусиятлари..... 3

Туратов Музаффар Нуралиевич

Интродукция и биоэкологические характеристики видов хвойных в
горном хребте Туркестан 19

Turatov Muzaffar Nuraliyevich

Introduction and bioecological characteristics of conifers species in the
mountain range of Turkestan 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ ҚОШИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАТОВ МУЗАФФАР НУРАЛИЕВИЧ

**ТУРКИСТОН ТОҒ ТИЗМАСИДА НИНАБАРГЛИ ДАРАХТ ТУРЛАРИ
ИНТРОДУКЦИЯСИ ВА БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шахарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2025.3.PhD/В1593 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyoue» Ахборот таълим порталида (www.ziyoue.net) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:	Хамроев Хусен Фатуллаевич қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Тўхтаев Бобоқул Ёрқулович биология фанлари доктори, профессор Мамутов Баҳром Хожаниязович Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022. Qx.13.04 рақамли Илмий кенгаш қошидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил 31 декабр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ ~~355~~ ⁴⁵⁹ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2025 йил 19 декабрь куни тарқатилди.
(2025 йил 2 декабрдаги №1-рақамли ресстр баённомаси).



Ш.И.Асатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

М.З. Холмуротов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., доцент

С.А. Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўрмон барпо этиш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, мамлакат бўйича қурғоқчилик ва иқлим ўзгаришларнинг салбий оқибатларини бартараф этишдаги энг самарали йўллардан бири ҳисобланади. Глобал экологик жамғарма, Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи, БМТнинг атроф муҳит бўйича дастури, ЮНЕСКО, Глобал ўрмон мониторинги каби халқаро ташкилотлар ўрмон майдонларининг муҳофаза қилиш ва уларни кўпайтириш бўйича фаолият кўрсатмоқда. Демак, интродукция усуллари асосида ҳудудлардаги ўсимлик дунёсини бойитиш, турларнинг ташқи муҳит омилларига муносабатини аниқлаш, манзарали турларнинг биоэкологик хусусиятларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишнинг илмий асосланган усуллари ишлаб чиқиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Дунё мамлакатларида ўрмон ҳосил қилувчи дарахт турларининг ўсиш ареалини аниқлаш, биоэкологик хусусиятларини тадқиқ этиш, ташқи муҳит омилларига муносабатини ва географик тарқалишини баҳолаш ҳамда улардан оқилона фойдаланишга қаратилган илмий-тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада дарахт турларининг агробиологияси ва ташқи муҳит омилларига муносабати, қурғоқчилик ва иқлим ўзгаришлари шароитларига мослашувчанлигини баҳолаш, турли иқлим-тупроқ шароитида ўстириш орқали ҳудудларнинг тур ассортиментини ҳамда яшиллик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишнинг ёки мавжуд режалар ва дастурларга мослаштиришнинг миллий стратегиялари, режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, мавжуд муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва янгиларини ташкил этиш, таназзулга учраган экотизимларни тиклаш ҳамда манзарали ва ўрмон ҳосил қилувчи игнабаргли дарахт турларини интродукция қилиш чоратadbирларини амалга ошириш, интродукция қилинган дарахт турларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш борасида тизимли ва салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш”¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, турли майдонларнинг яшиллик даражасини ошириш мақсадида игнабаргли дарахт турлари ассортиментини кенгайтиш, ташқи муҳит омилларининг салбий таъсирини камайитиришда ҳудудларга мос ва тез ўсадиган дарахт турларидан самарали фойдаланиш ҳамда ўрмончилик соҳасининг манзарали дарахт турлари кўчатларига бўлган талабни қондириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16-апрелдаги ЎРҚ-475-сон «Ўрмон тўғрисида» ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги «Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4424-сон, 2020 йил 6 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПҚ-4850-сон қарорлари ҳамда 2017 йил 17 июлдаги «Ўрмон хўжалиги бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ВМ-530-сон қарорлари ва бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни илмий жиҳатдан асослашга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё мамлакатларида игнабаргли дарахт турларини биоэкологик хусусиятлари ва ҳолатини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари кенг ривожланган. Жумладан, Туркияда Belen Ismail, Seylan Mehmet, Demirci Mehmet, Yamaz Ibrahim, Японияда Bidur Khadka, АҚШда С.Д Oliver., J.A Stanturf, Кореяда Nyam-Osor Batkhuu, Don Koo Lee, Jamsran Tsogtbaatar, Yeong Dae Park, В. SerOddamba, Хитойда J. Zhao, S. Chen, В. Jiangлар томонидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, ушбу мамлакатларда ўрмон ҳосил қилувчи асосий игнабаргли дарахт тури сифатида қарағай оиласи вакиллари келтириб ўтилган.

Марказий Осиё ва Ўзбекистон шароитида игнабаргли дарахтлар биоэкологияси ва уларнинг ҳолатини ўрганиш турли олимлар томонидан кўп йиллар давомида ўрганилиб келинган. Жумладан, К.Д. Вильданова., В.М. Сахацкий, Е.А. Бутков, А.И. Есипова, Ю.П. Язан, И.Б. Рывкин, О.А. Агафонова, Ю.С. Лыков, Я. Сиддиқов, Т.И. Славкина, Т.В. Есипова, Х.М. Талипов, Э.Э.Темиров каби олимлар томонидан соҳани ривожлантириш бўйича кўплаб илмий ишлар олиб борилган. Аммо Туркистон тоғ тизмаси худудида интродукция қилинган игнабаргли дарахтларнинг биоэкологик хусусиятлари ва уларнинг интродукцион кўрсаткичларини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Тошкент давлат аграр университети Ўрмончилик кафедрасининг №19-1-сон «Ўзбекистон ўрмонларини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш» мавзуси доирасида бажарилган (2022-2024 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Туркистон тоғ тизмасида ўсаётган *Pinaceae* оиласи айрим вакиллари биоэкологик хусусиятларини аниқлаш ва интродукцион баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Туркистон тоғ тизмасида интродукция қилинган *Pinaceae* оиласи айрим турларининг таксацион кўрсаткичлари ва ташқи муҳит омилларига муносабатини аниқлаш;

турлар уруғларининг лаборатория ва дала шароитидаги унувчанлиги аниқлаш;

вегетация давомида ва йиллар бўйича ўсимликларнинг фенологиясини аниқлаш;

турларнинг гуллаш ва уруғ бериш мавсумийлиги ҳамда ҳосилдорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Қрим қарағайи, оддий қарағай, оддий қорақарағай, шренк қорақарағайи, сибир тилоғочи, сибир оққарағайи дарахти, куббалари, уруғи, нинабарглиари, уруғкўчати тадқиқот ишининг объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. *Pinaceae* оиласи вакиллариининг биоэкологик хусусиятлари, интродукцияси, фенологияси, биометрияси, ҳосилдорлиги, унувчанлиги, манзаравийлигини аниқлаш, интродукцион баҳолаш тадқиқот ишининг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда маршрутли, стационар, дала тадқиқоти, фенологик, морфометрик, таксацион, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба Туркистон тоғ тизмасида интродукция шароитида ўсаётган *Pinaceae* оиласига мансуб тур (қрим қарағайи, оддий қарағай, оддий қорақарағай, Шренк қорақарағайи, сибир тилоғочи ва сибир оққарағайи) ларининг ҳозирги ҳолати, ўлчамлари аниқланган ва ташқи муҳит омиллари (ёруғлик, намлик, тупроқ) га муносабати баҳоланган;

интродукция қилинган игнабаргли дарахт турлар уруғларининг лаборатория шароитида турли ҳароратлардаги ҳамда дала шароитидаги унувчанлиги аниқланган;

интродукция қилинган игнабаргли дарахт турларининг мавсумий ўзгариш кўрсаткичлари таҳлил этилиб уларнинг феноспектри ишлаб чиқилган;

турли шароитда ўсаётган игнабаргли дарахт турларининг гуллаш, уруғ бериш мавсумийлиги таҳлил этилган ва ҳосилдорлиги аниқланган;

Pinaceae оиласига мансуб интродукция қилинган 6 турнинг манзаравийлиги аниқланган ҳамда интродукцион баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Туркистон тоғ тизмасининг турли ҳудудларида интродукция шароитида ўсаётган игнабаргли дарахт турларининг ҳудудга мослашганлиги ҳамда ҳозирги кунда ҳам ўсиб-ривожланаётганлиги аниқланган;

ҳудудда ўсаётган *Pinaceae* оиласи вакиллариининг ўртача баландлиги қрим ва оддий қарағайда $18,4 \pm 1,26$ м, оддий ва шренк қорақарағайида $16,2 \pm 1,12$ м, сибир оққарағайида $12,4 \pm 0,84$ м, сибир тилоғочида эса $11,6 \pm 0,72$ м, ўртача диаметри қрим ва оддий қарағайда $36,2 \pm 1,84$ см, оддий ва шренк

қорақарағайда $22,6 \pm 0,72$ см, сибир оққарағайда $32,6 \pm 1,84$ см, сибир тилоғочида эса $22,8 \pm 0,27$ см эканлиги аниқланган;

интродукция қилинган игнабаргли дарахт турларидаги фенологик фазалар апрел ойининг биринчи ўн кунлигида бошланиб, октябр ойининг иккинчи ўн кунлигида тугалланиши аниқланган;

худудда ўсаётган *Pinaceae* оиласи вакиллариининг уруғ ҳосилдорлиги ўртача 3,4 бални ташкил этиб, лаборатория шароитида уруғларнинг унувчанлиги қрим ва оддий қарағайда 74,7%, оддий ва шренк қорақарағайида 70,1%, сибир оққарағайида 82,5%, сибир тилоғочида эса 62,4% эканлиги ҳамда ҳосилдорлик ва уруғ унувчанлиги ҳаводаги намликка боғлиқ эканлиги исботланган;

Pinaceae оиласи вакиллариининг интродукцион баҳоси қрим ва оддий қарағайда 86,4 балл, оддий ва шренк қорақарағайида 82,6 балл, сибир оққарағайида 88,9 балл, сибир тилоғочида эса 80,2 балл эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқот натижаларининг Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказ, Тошкент давлат аграр университети томонидан тузилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий тадқиқотлар ҳисоботларининг институт илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз олинганлиги, тажриба маълумотларининг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли Туркистон тоғ тизмасининг денгиз сатҳидан турли баландликларда ўсаётган *Pinaceae* оиласи айрим вакиллариининг интродукция шароитида ташки муҳит омилларига муносабати ва манзарайлиги бўйича баҳоланганлиги, уруғларнинг лаборатория ва дала шароитидаги унувчанлик кўрсаткичларининг аниқланганлиги, турлар уруғларининг ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари ўзгаришининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Туркистон тоғ тизмасининг Зомин Миллий-табиат боғи ва Зомин давлат қўриқхонаси ҳудудида *Pinaceae* оиласининг 6 та тури интродукция шароитида ўсаётганлигининг аниқланганлиги, ўсаётган дарахт турларининг фенологияси ва биометрияси таҳлил этилганлиги, мавжуд дарахтларнинг биометрик кўрсаткичлари (диаметри, баландлиги, шох-шабба ўлчами) нинг аниқланганлиги мавжуд дарахтларнинг уруғ ҳосилдорлигини баҳоланганлиги, териб олинган уруғларнинг лаборатория ва дала шароитида унувчанлигини таҳлил этилганлиги, ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туркистон тоғ тизмасида игнабаргли дарахт турлари интродукцияси ва биоэкологик хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ўрмон хўжаликлари учун “Туркистон тоғ тизмасида игнабаргли дарахт турлари интродукцияси ва биоэкологик хусусиятларини тадқиқ этиш” мавзусидаги тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2025 йил 22 августдаги 03-03/1-03/3-8364-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларини ўрмонлаштиришда игнабаргли дарахт турларидан фойдаланиш бўйича қўлланма сифатида хизмат қилиш имконини берган;

Туркистон тоғ тизмасидаги интродукция қилинган игнабаргли дарахт турларининг фенологияси ва биометрияси таҳлил этиш ишланмаси Зомин Миллий-табиат боғи, Зомин давлат кўриқхонасининг 4,05 гектар майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2025 йил 22 августдаги 03-03/1-03/3-8364-сон маълумотномаси). Натижада, мавжуд ўрмонлардаги игнабаргли дарахт турларида мавсумий ўзгарувчанлиги тадқиқ этилиб уларнинг биометрик кўрсаткичларини (диаметри, баландлиги, шох-шабба ўлчами) аниқлаш имконини берган;

Туркистон тоғ тизмасидаги интродукция қилинган игнабаргли дарахт турларининг ҳосилдорлигини баҳолаш ишланмаси Зомин Миллий-табиат боғининг 0,05 гектар, Зомин давлат кўриқхонасининг эса 4 майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2025 йил 22 августдаги 03-03/1-03/3-8364-сон маълумотномаси). Натижада, мавжуд дарахтларни селекцион баҳолаш ҳамда вақтинчалик уруғчилик участкаларини ташкил этиш орқали уруғ маҳсулдорлигини 30-50% га ошириш имконини берган;

Туркистон тоғ тизмасидаги интродукция қилинган игнабаргли дарахт турларининг уруғларининг унувчанлигини аниқлаш ишланмаси Зомин давлат кўриқхонасининг 0,01 гектар гектар майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2025 йил 22 августдаги 03-03/1-03/3-8364-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида турларнинг уруғкўчатларини етиштириш орқали ҳудудда ҳимоя дарахтзорларини барпо этишда фойдаланиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, шундан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ҳозирги вақтда дунё миқёсида тоғ ўрмонларини ўрмонлаштиришда нинабаргли дарахт турларининг аҳамияти бўйича эришилган ютуқлар, интродукция қилинган нинабаргли дарахт турларинингш кўчатларини етиштириш агротехникаси, кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **«Тоғ ўрмонларининг аҳамияти, қарағайдошлар оиласи вакилларининг тарқалиши ва интродукцияси»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари ҳамда кўплаб олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, қарағай оиласи турларининг систематикаси, тарқалиш ареали, қўлланилиши, уруғидан ва вегетатив усулларда кўпайтириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар ҳамда унинг биоэкологик хусусиятлари, фенологияси, кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган дастлабки илмий-тадқиқот натижалари таҳлил этилган ҳамда мавзунинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот объекти, дастури ва услуби»** деб номланган иккинчи бобида қутилган натижага эришиш учун бажарилиши лозим бўлган тадқиқот ишларининг дастури, услуби ва тадқиқот объектининг тупроқ-иқлим шароитлари баён этилган. Дастурда белгиланган масалалар дала тажрибалари ва лаборатория таҳлили орқали ўрганилди. Дала тажрибалари маршрутли кузатув асосида Жиззах вилоятининг Зомин туманининг турли ҳудудларида олиб борилди. Қарағайдошлар оиласи турларининг тавсифи, тарқалиши ва кўпайтириш бўйича адабиётлар шарҳи чоп этилган илмий мақолалар, илмий адабиётлар, ҳисоботлар ва бошқа илмий манбаалар асосида таҳлил этилди. Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг иқлим шароитларига тавсиф бериш учун «Зомин» метеостанцияси маълумотларидан фойдаланилди. Дарахтзорларнинг ҳолати ва биоморфологик кўрсаткичлари Б.Н.Зайцева [1973] услубида, ташқи муҳит омилларига муносабати Арестева услубида 100 баллик шкалада ўрганилди. Тадқиқот натижасида олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастурида 95% аниқликда Б.А. Доспехов [1986] услуби асосида амалга оширилди. Статистик таҳлил қилишда ўртача арифметик қиймат, тажриба хатолиги, ўртача квадратик четланиш, вариация коэффициентининг қийматлари шакллантирилди.

Тадқиқот ишлари дала, лаборатория ва маршрутли кузатув усулларида фойдаланилган ҳолда олиб борилди. Дала ишлари маршрутли кузатув асосида Туркистон тоғ тизмасининг Жиззах вилояти Зомин туманида жойлашган денгиз сатҳидан турли баландликларда ўсаётган интродукция қилинган нинабаргли дарахт турлари дарахтларининг ҳолати ўрганилди ҳамда 100 баллик шкалада баҳоланди. Интродукция қилинган нинабаргли дарахт турларини уруғидан ва вегетатив усулда кўпайтириш бўйича тажрибалар

Зомин миллий табиат боғи ҳудудида амалга оширилди.

Диссертациянинг «Туркистон тоғ тизмасида қарағайдошлар (*Pinaceae* L.) оиласига мансуб айрим турларнинг мониторинги» деб номланган учинчи бобида ҳудудлардаги дарахтзорларнинг ҳолати, турли ҳудудларда ўсган дарахтларнинг таксацион кўрсаткичлари ва ташқи муҳит омилларига муносабати бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Республикамиздаги тоғли ҳудудларда химоя дарахтзорларини барпо этишда фойдаланиладиган дарахт турларининг ассортиментини ошириш мақсадида 1970 йил Туркистон тоғ тизмасининг Кўлсой ҳудудида *Pinaceae* оиласига мансуб бўлган турларни ўстириш бошланган бўлиб, ҳозирги кунда ҳам уларнинг мавжуд эканлиги яъни ўсиб-ривожланишда давом этаётганлигини қайд этиб ўтишимиз мумкин.



1-расм. Тажриба майдонларидаги интродукция қилинган нинабаргли дарахтларининг ҳолати (2022-2024 йй.)

Туркистон тоғ тизмасининг Кўлсой ҳудудидан ташқари, Зомин санаторияси ҳудудларида ҳам ушбу турлардан фойдаланган ҳолда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилган. Зомин санаторияси ҳудудидаги нинабаргли дарахтлар катта ёшли бўлиб кўчатидан экилган ҳисобланади.

Кўлсой ҳудудидаги нинабаргли дарахтларнинг барчаси 3x2 м схемада 4 гектар майдонган экилган бўлиб, унда оддий қарағай – 0,24 га, қрим қарағайи – 0,54 га, оддиқ қорақарағай – 0,42 га, шренк қорақарағайи – 1,26 га, сибир оққарағайи – 0,12 га ва сибир тилоғочи – 1,42 га ни ташкил этади. Ушбу турлардан ташкил топган дарахтзорларнинг умумий ҳолати яхши бўлиб, ҳозирги кунда ўсишда давом этаётганлиги аниқланди яъни барча турларда йиллик ўсиш кўрсаткичлари мавжудлиги аниқланди (1-расмга қаранг).

1-жадвал

Туркистон тоғ тизмаси ҳудудидаги интродукция қилинган айрим нинабаргли дарахтлар танасининг ўлчамлари (2024 й)

№	Тур номи	Ўсиш ҳудуди	Денгиз сатҳидан баландлиги, м	*Ўши, йил	Баландлиги, м	Диаметри, см
1	Оддий	Кўлсой	2300	55	18,6±0,26	32,4±0,46

	қарағай	участкаси				
2	Қрим қарағайи	Кўлсой участкаси	2300	55	17,8±0,24	34,6±0,54
		Зомин санаторияси	2000	35	12,4±0,26	28,6±0,42
3	Оддий қорақарағай	Кўлсой участкаси	2300	55	18,6±0,23	26,4±0,34
		Зомин санаторияси	2000	35	16,2±0,18	22,4±0,36
4	Шренк қорақарағайи	Кўлсой участкаси	2300	55	18,2±0,24	25,8±0,32
5	Сибир оққарағайи	Кўлсой участкаси	2300	55	18,8±0,3	27,6±0,26
6	Сибир тилоғочи	Кўлсой участкаси	2300	55	16,6±0,24	15,4±0,24
		Зомин санаторияси	2000	35	15,2±0,22	26,8±0,32

*дарахтларнинг ёши ҳудудда фаолият юритган ишчилар фикри билан таққосланган ҳолда шакллантирилди.

Ҳудудларда ўсаётган нинабаргли дарахт турлари бўйича танасининг ўлчамлари таҳлил этилганда, Кўлсой ҳудудида барча турдаги дарахтлар (Оддий қарағай, қрим қарағайи, оддий қорақарағай, шренк қорақарағайи, сибир оққарағайи, сибир тилоғочи) ўсаётганлиги ҳамда уларнинг баландлиги оддий қарағайда 18,6±0,26 м, қрим қарағайида 17,8±0,24 м, оддий қорақарағайда 18,6±0,23 м, Шренк қорақарағайида 18,2±0,24 м, сибир оққарағайида 18,8±0,3 м, сибир тилоғочи 16,6±0,24 м га етганлиги аниқланди. Дарахтларнинг ўртача диаметри таҳлил этилганда эса, оддий қарағайда 32,4±0,46 см, қрим қарағайида 34,6±0,54 см, оддий қорақарағайда 26,4±0,34 см, сибир оққарағайида 25,8±0,32 см, сибир оққарағайида 27,6±0,26 см, сибир тилоғочи 15,4±0,24 см га етганлиги аниқланди (1-жадвалга қаранг).

Зомин санаторияси ҳудудида эса асосан оддий қорақарағай, қрим қарағайи ва сибир тилоғочи ўстирилган бўлиб, уларнинг ўртача баландлиги қрим қарағайида 12,4±0,26 м, оддий қорақарағайда 16,2±0,18 м, сибир тилоғочда 15,2±0,22 м, ўртача диаметри эса қрим қарағайида 28,6±0,42 см, оддий қорақарағайда 22,4±0,36 см, сибир тилоғочда 26,8±0,32 см эканлиги аниқланди (1-жадвалга қаранг).

Ҳудудлар бўйича ўзаро таққослайдиган бўлсак, Кўлсой участкаси ҳудуди (денгиз сатҳидан баландлиги 2300 м) да ўсаётган интродукция қилинган нинабаргли дарахтлар Зомин санаторияси ҳудуди (денгиз сатҳидан баландлиги 2000 м) да ўсаётган дарахтлардан баландлик бўйича ўртача 1,2-5,4 метрга, диаметр бўйича эса 1,2-6,1 см га юқори эканлиги қайд этилди. Баландлик ва диаметр бўйича юқори фарқланиш қрим қарағайида эканлиги аниқланди. Бу эса ушбу турларнинг тақсацион кўрсаткичларининг ўзгаришига ўсиш шароити таъсир кўрсатишини англатади.

Тадқиқотларимизда интродукция қилинган игнабаргли дарахт турлари совуққа чидамли эканлиги аниқланди. Ўсиб ривожланаётган барча турлар совуқ таъсирида зарарланмаганлиги кузатилиб, уларнинг барчаси 25 балл билан баҳоланди (баҳолашнинг максимал бали 25 бални ташкил этади). Бу эса ушбу турлар совуқ таъсирида зарарланмаганлигини англатади.

Игнабаргли дарахт турларида совуққа чидамлиликини баҳолашда ундаги нинабаргларнинг сақланиб туриш муддати ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки нинабарг дарахтда қиш мавсумида ҳам сақланиб туриши унинг совуқ таъсирида зарарланишига сабаб бўлади. Биз ўз тадқиқотларимизда ҳар бир тур бўйича нинабаргларнинг тўқилиш муддатини аниқлаб олдик. Бунинг ҳар бир турдан модел дарахт олиб унинг танлаб олинган новдасидаги нинабаргнинг тўқилиш муддати аниқланди. Тур орасида фақатгина Сибир тилоғочи нинабаргларини ҳар тўқиши бизнинг республикамиз ҳудудида ҳам қайд этилди. Баргларнинг новдада сақланиб қолиши қолган турларнинг барчасида 3 йилдан ортиқ бўлганлиги аниқланди ва шу сабабли ушбу турлар нинабаргларининг совуққа чидамли эканлиги аниқланди. Бу эса ушбу турларнинг совуққа чидамли эканлиги аниқланади. Сибир тилоғочида эса совуққа чидамлиликини аниқлаш ишлари бир йиллик ёғочлашган новдаларнинг рангига қараб аниқланди. Бунда новданинг ранги ўзгариб қорамтир кулранг кўринишида бўлса, у совуқ таъсирида зарарланган бўлади. Аммо сибир тилоғочида ҳам совуқдан зарарланиш аниқланмади.

Дарахт турларининг иссиққа чидамлилиги К.А.Ахматов (1976) услуги асосида аниқланди. Бунда дарахтлар нинабаргларининг намуналари турли ҳароратли сувга бўктирилиб, хона ҳароратидаги сувга солиб кўйилди. Шундан сўнг ушбу нинабарглар ва вегетатив куртакларда шикастланиш намоён бўладиган ҳароратга қараб турларнинг иссиққа чидамлилиги аниқланади. Унга кўра агар ушбу ҳарорат 54-56°C ва ундан юқори бўлса чидамли, 52-54°C бўлса ўртача чидамли, 52°C дан паст бўлса чидамсиз ҳисобланади.

Тадқиқотларимизда оддий қорақарағай ва Шренк қорақарағай турларининг нинабаргларида 52-53°C ҳароратда барглар ҳамда генератив куртакларда ўзгариш содир бўлди. Бу эса унинг иссиққа ўртача чидамли эканлигидан далолат беради. Қолган турларда эса нинабарглар ва куртаклар 54-57°C ҳароратга бардош берганлиги аниқланди. Бу эса ушбу турларни иссиққа чидамли эканлигидан далолат беради.

Турларнинг ёруғликка муносабатини таҳлил қилиш учун турли ҳудудларда ўсаётган дарахтларда визуаль кузатув амалга оширилди. Кузатувларимизда Оддий қарағай, Сибир тилоғочи ва Сибир оққарағай турлари ёруғликдан зарарланиш ҳолати кузатилмади яъни ундаги нинабарглар рангининг ўзгариш ҳолатлари кузатилмади. Ушбу турлар ўзининг биоэкологик хусусиятларини сақлаб қолган. Қрим қарағайи ва қорақарағай турлари ёруғлик таъсирида қисман зарарланганлиги яъни барглар рангининг қисман ўзгарганлиги кузатилди.

Интродукция қилинган игнабаргли дарахтларнинг ҳар йили новда ҳосил қилиши кузатилиб, ушбу новдалар кузатувлар мобайнида ёғочлашгани аниқланди. Турлар бўйича таҳлил этадиган бўлсак, ёғочлашиш қарағай турларида бошқа турларга нисбатан эрта содир бўлиши аниқланди. Сибир тилоғочида эса ёғочлашиш жараёни секин содир бўлганлиги кузатилди.

Кўлсой участкасида интродукция қилинган дарахт турларининг интродукцион баҳолаш ишлари асосан новдаларнинг ёғочлашуви, совуққа ва иссиққа чидамлилиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги, ўсимлик

шаклининг сақланиши, новдаланиш қобилияти, новданинг ўсиш қобилияти, генератив ривожланиш қобилияти ва кўпайиши каби кўрсаткичларни баллик шкала асосида баҳолашга асосланди.

Турларнинг кўрсаткичлар бўйича баллар йиғиндиси қарағай турларида 92 балл, қорақарағай турларида 64 балл, сибир оққарағайида 95 балл ва сибир тилоғочида 82 балли ташкил этди. Сибир оққарағайида уруғидан табиий тикланишнинг мавжудлиги унинг юқори интродукцион баҳони олишига сабаб бўлди.

Комплекс баҳолаш кўрсаткичлари асосида оддий ва қрим қарағайи ҳамда сибир оққарағайларини жуда истикболли, сибир тилоғочини истикболли, оддий ва Шренк қорақарағайларини қисман истикболли турлар сифатида қайд этиб ўтишимиз мумкин.

Интродукция қилинган турларнинг манзаравийлигини баҳолаш ишлари мавсумий амалга оширилиб, йил якунида олинган баллар йиғиндиси асосида турларнинг манзавийлигига баҳо берилди. Тадқиқотлар 2022-2024 йиллар мобайнида амалга оширилди.

Тадқиқотларимизда турларнинг манзаравийлиги баҳор мавсумида юқори бўлиб, ёз мавсумида кузатилган ноқулай иқлим шароити (ҳаво ҳароратининг нисбатан ортиши) натижасида манзаравийлик бали паст бўлганлиги кузатилди. Турлар орасида сибир тилоғочи игнабаргларини тўкганлиги сабабли унинг куз-қиш мавсумидаги манзаравийлик бали паст бўлди. Бу эса унинг йиллик умумий манзаравийлик балига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Турлар орасида манзаравийлиги бўйича сибир тилоғочи 430-482 балл, шренк қорақарағайи 534-556 балл, оддий қарағай 564-582 балл, оддий қорақарағай 558-589 балл, қрим қарағайи 562-594 балл, сибир оққарағайи 612-628 балли ташкил этди (3.18-расмга қаранг).


Баҳолаш мезонига кўра, 500 балдан юқори олган шренк қорақарағайи, оддий қарағай, оддий қорақарағай, қрим қарағайи ва сибир оққарағайи турлари юқори манзарали, сибир тилоғочи эса манзарали тур эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг **«Интродукция қилинган игнабаргли дарахт турларининг биоэкологик хусусиятлари»** деб номланган тўртинчи бобида турлар уруғларининг лаборатория ва дала шароитидаги унувчанлиги, фенологияси, уруғ бериш мавсумийлиги ва ҳосилдорлиги бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Интродукция қилинган турлар уруғларининг лаборатория шароитида унувчанлигини аниқлаш учун ҳудудда ўсаётган игнабаргли дарахт турлари яъни оддий қарағай, қрим қарағайи, оддий қорақарағай, Шренк қорақарағайи, сибир оққарағайи ва сибир тилоғочининг уруғлари пишиб етилгандан сўнг териб олинди. Териб олинган уруғларнинг лаборатория ва дала шароитидаги унувчанлиги тадқиқ этилди. Лаборатория шароитида унувчанликни аниқлашга қаратилган тадқиқотлар ҳароратнинг ўзгаришига қараб 5 та вариантда (18-20°C; 20-22°C; 22-24°C; 24-26°C ва 26-28°C ҳароратда) 14 кун давомидаги кўрсаткичлари бўйича таҳлил этилди.

Тадқиқ этилаётган игнабаргли дарахтлар уруғларининг лаборатория шароитидаги унувчанлиги дастлабки 3 кунда кузатилмади. 6 кунда 18-20°C

хароратда 12% ни, 20-22°C ҳароратда 15% ни, 22-24°C ҳароратда 12% ни, 24-26°C ҳароратда 10% ни, 26-28°C ҳароратда 9% ни, 9 кунда 18-20°C ҳароратда 32% ни, 20-22°C ҳароратда 39% ни, 22-24°C ҳароратда 27% ни, 24-26°C ҳароратда 24% ни, 26-28°C ҳароратда 22% ни, 12 кунда 18-20°C ҳароратда 46% ни, 20-22°C ҳароратда 51% ни, 22-24°C ҳароратда 55% ни, 24-26°C ҳароратда 46% ни, 26-28°C ҳароратда 42% ни, 14 кунда 18-20°C ҳароратда 67% ни, 20-22°C ҳароратда 72% ни, 22-24°C ҳароратда 64% ни, 24-26°C ҳароратда 57% ни, 26-28°C ҳароратда 54% ни ташкил этди.



2-расм. Интродукция қилинган игнабаргли дарахт турлари уруғларининг дала шароитида унувчанлиги, % (2022-2024 йй.)

Кўлсой участкаси ҳудудидаги интродукция қилинган игнабаргли дарахт турлари уруғларининг дала шароитидаги унувчанлиги 2022-2024 йиллар мобайнида таҳлил қилинди. Унга кўра оддий қарағай уруғларининг унувчанлиги 2022 йилда 80%, 2023 йилда 85% ва 2024 йилда 88% га, қрим қарағайида эса 2022 йилда 82%, 2023 йилда 86% ва 2024 йилда 89% га, оддий қорақарағайда 2022 йилда 78%, 2023 йилда 81%, 2024 йилда 84%, шренк қорақарағайида 2022 йилда 76%, 2023 йилда 79%, 2024 йилда 84%, сибир оққарағайида 2022 йилда 84%, 2023 йилда 87%, 2024 йилда 90%, сибир тилоғочида эса 2022 йилда 82%, 2023 йилда 86% ва 2024 йилда 88% га тенг бўлди (2-расмга қаранг).

Оддий қарағайнинг куртакларини бўртиши 2022 йилда 06.04 санасида кузатилган бўлса, 2023 йилда 08.04 санасида, 2024 йилда эса 10.04 санасида бўлиб, бу вақтда ҳавонинг ўртача ҳарорати +6,2°C ни ташкил этиши кузатилди. Новдалар ўсишининг бошланиши эса 2022 йилда 14.04 санасида, 2023 йилда 16.04 санасида, 2024 йилда эса 22.04 санасида кузатилиб, бу вақтда ҳавонинг ўртача ҳарорати +12,4°C ни ташкил этди. Нинабаргларнинг шакллана бошлаши асосан ҳаво ҳароратининг ўртача кўрсаткичи +15,2°C дан +17,1°C гача бўлган муддатларда кузатилиб, ушбу муддат 2022 йилда 12.05 санасига, 2023 йилда 15.05 санасига ва 2024 йилда 20.05 санасига тўғри келди. Оддий қарағайда нинабаргларнинг шакллана бошлаши билан бир вақтда чангланишнинг ҳам бошланиши кузатилиб, ушбу муддат 2022 йилда 10.05 санасига, 2023 йилда 12.05 санасига ва 2024 йилда 16.05 санасига тўғри келди.

Қрим қарағайида оддий қарағайга нисбатан фенологик фазаларнинг содир бўлиши нисбатан кечроқ бошланиб, куртакларини бўртиши 2022 йилда 08.04

санасида кузатилган бўлса, 2023 йилда 10.04 санасида, 2024 йилда эса 11.04 санасида бўлиб, бу вақтда ҳавонинг ўртача ҳарорати $+6,4^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этиши кузатилди. Новдалар ўсишининг бошланиши эса 2022 йилда 18.04 санасида, 2023 йилда 18.04 санасида, 2024 йилда эса 23.04 санасида кузатилиб, бу вақтда ҳавонинг ўртача ҳарорати $+12,6^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этди. Нинабаргларнинг шакллана бошлаши асосан ҳаво ҳароратининг ўртача кўрсаткичи $+15,2^{\circ}\text{C}$ дан $+17,1^{\circ}\text{C}$ гача бўлган муддатларда кузатилиб, ушбу муддат 2022 йилда 14.05 санасига, 2023 йилда 15.05 санасига ва 2024 йилда 22.05 санасига тўғри келди. Қрим қарағайида ҳам оддий қарағайдаги каби нинабаргларнинг шакллана бошлаши билан бир вақтда чангланишнинг ҳам бошланиши кузатилиб, ушбу муддат 2022 йилда 12.05 санасига, 2023 йилда 14.05 санасига ва 2024 йилда 20.05 санасига тўғри келди.

Оддий қорақарағай ва сибир қорақарағайларида куртакнинг бўртиши мос равишда 2022 йилда 06.04 ва 10.04 санасига, 2023 йилда 07.04 ва 12.04 санасига, 2024 йилда эса 09.04 ва 13.04 санасига тўғри келди. Бунда ҳаво ҳарорати $+6,5^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этганлиги аниқланди. Ушбу турларда новдаларнинг ўсишни бошлаши 14.04 санасидан бошланган бўлса, нинабаргларнинг шаклланиши 16.05 санасидан, чангланишнинг бошланиши 14.05 санасидан, новдаларнинг ўсишдан тўхташи 02.06 санасидан, ўсув куртакларининг шаклланиши 02.07 санасидан, новдаларнинг тўлиқ ёғочлашувчи 02.10 санасидан бошланганлиги кузатилди.

Ҳудуддаги дарахт турлари бўйича вегетация даврининг бошланиши 2023 ва 2024 йиллар мобайнида кузатилиб, 2023 йилда оддий қарағай 04.04 санасида, қрим қарағайи ва сибир тилоғочи 06.04 санасида, оддий қорақарағай 07.04 санасида, шренк қорақарағайи ва оққарағайлари 12.04 санасида вегетация даврини бошлаган бўлса, 2024 йилда ушбу муддат 1-2 кун кеч Вегетация даврининг тугалланиши эса барча турларда октябр ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунликларига тўғри келиб, вегетация давомийлиги 183-193 кунни ташкил этди. Бунда вегетация давомийлиги оддий қарағайнинг 190-192 кунни, қрим қарағайида 183-190 кунни, оддий қорақарағайда 184-193 кунни, шренк қорақарағайида 189-187 кунни, сибир оққарағайида 185-191 кунни, сибир тилоғочида эса 186-187 кунни ташкил этди.

Новдаларнинг ўсиш давомийлиги 50-68 кунни ташкил этиб юқори ўсиш қрим қарағайида бўлганлиги кузатилди. Ундаги новдаларнинг ўсиш давомийлиги 58-68 кунни ташкил этиб, бошқа турларга нисбатан 2-8 кун кўп бўлганлиги аниқланди. Шунга мос равишда йиллик ўсиш кўрсаткичлари ҳам юқори бўлиб, қрим қарағайидаги йиллик ўсиш 2023 йилда 10.6 см, 2024 йилда эса 11,4 см га тенг бўлди.

Танлаб олинган дарахтларнинг ўртача баландлиги 13,8-14,2 м, диаметри эса 82,4-96,8 см ни ташкил этиб, уларнинг уруғ хосилдорлиги оддий қарағайда ўртача 3,6 балл, қрим қарағайида 3,9 балл, оддий қорақарағайда 2,7 балл, шренк қорақарағайида 2,2 балл, сибир оққарағайида 3,9 балл, сибир тилоғочида эса 2,4 баллни ташкил этди.

Териб олинган интродукция қилинган нинабаргли дарахтларнинг мева ва уруғларининг сифат кўрсаткичлари таҳлил этилганда, 1 дона мевадаги уруғлар

сони оддий қарағайда 50-55 дона, қрим қарағайида 45-55 дона, оддий қорақарағайда 80-90 дона, шренк қорақарағайида 84-92 дона, сибир оққарағайида 40-45 дона ва сибир тилоғочида 25-35 дона уруғ мавжуд эсанлиги аниқланди (3-жадвалга қаранг).

1 кг мевадан уруғ чиқиш кўрсаткичи 52,1-56,5% ни ташкил этиб, қрим қарағайида 56,5% оддий қорақарағайида эса 52,1% кўрсаткични ташкил этди. Уруғ ўлчамлари таҳлил этилганда, қрим қарағайи уруғларининг ўлчами бошқа турларга нисбатан 30-50% юқори эканлиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор Туркистон тоғ тизмасига ўтган асрнинг 70-80 йилларда интродукция қилинган игнабаргли дарахт турларининг (Оддий ва қрим қарағайи, оддий ва Шренк қорақарағайлари, Сибир оққарағайи ва Сибир тилоғочи) ҳозирги ҳолати баҳоланиб, мавжуд дарахтларнинг биометрик кўрсаткичлари таҳлил этилди;

2. Ҳозирги кунда уларнинг ўртача баландлиги Кўлсой участкаси ҳудудида 15,5-17,8 м, Зомин санаторияси ҳудудида эса 10,8-15,3 м га, ўртача диаметри эса Кўлсой участкаси ҳудудида 24,9-33,6 см, Зомин санаторияси ҳудудида эса 14,9-27,5 см га етган. Вегетация даврининг бошланишида катта микдордаги фаол ҳарорат талаб этилиб, кунлик ўртача ҳарорат +6°C дан ортгандан сўнг куртакларнинг бўртиши бошланиши кузатилди. Новдаларининг ўсиши, нинабаргларни очилиши билан бир муддатда баҳорда апрель ва май ойида тўғри келди.

3. Новдаларнинг ўсиш давомийлиги 50-68 кунни ташкил этиб юқори ўсиш қрим қарағайида бўлганлиги кузатилди. Ундаги новдаларнинг ўсиш давомийлиги 58-68 кунни ташкил этиб, бошқа турларга нисбатан 2-8 кун кўп бўлганлиги аниқланди. Шунга мос равишда йиллик ўсиш кўрсаткичлари оддий қарағайда 5,8-6,4 см, қрим қарағайида 10,6-11,4 см, оддий қорақарағайда 4,3-4,6 см, Шренк қорақарағайида 4,1-4,2 см, Сибир оққарағайида 4,1-4,2 см ва Сибир тилоғочидида 5,8-6,1 см га тенг бўлди;

4. Танлаб олинган дарахтларнинг уруғ ҳосилдорлиги оддий қарағайда ўртача 3,6 балл, қрим қарағайида 3,9 балл, оддий қорақарағайда 2,7 балл, шренк қорақарағайида 2,2 балл, сибир оққарағайида 3,9 балл, сибир тилоғочидида эса 2,4 баллни ташкил этди;

5. Кўлсой участкаси ҳудудидаги интродукция қилинган игнабаргли дарахт турларининг уруғ унувчанлиги оддий қарағайда 80-88%, қрим қарағайида 82-89%, оддий қорақарағайда 78-84%, шренк қорақарағайида 76-84%, сибир оққарағайида 84-87%, сибир тилоғочидида эса 82-88% га тенг бўлди;

6. *Pinaceae* оиласининг интродукция қилинган 6 та турнинг ҳозирги ҳолати бўйича мониторинг олиб борилиб, улар орасида танлаб олинган 4 тур юқори манзарали эканлиги аниқланди;

7. Ўрганилаётган турлар орасида Оддий қарағай, Қрим қарағайи ва Сибир оққарағайи турларида интродукцион баҳоси 92-95 бални, сибир тилоғочидида 82 бални ташкил этган бўлса, қорақарағай турларида 64 баллни ташкил этганлиги аниқланди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

~ тоғ қияликларини ўрмонлаштиришда жанубий экспозицияларда Оддий қарағай, Сибир тилоғочи ва Сибир оққарағайдан, шимолий экспозициялар учун эса қорақарағай турлари (Оддий ва шренк қорақарағайи) ва Қрим қарағайи турларидан фойдаланиш;

~ оддий ва Қрим қарағайи, оддий ва Шренк қорақарағайи, Сибир оққарағайи, Сибир тилоғочи кўчатларини етиштириш учун уруғ хомашёсини ушбу ҳудудлардан йиғиб олиш ва ундан фойдаланиш;

~ интродукцион баҳолаш натижаларига кўра, 6 турдан 3 таси (оддий қарағай, қрим қарағайи ва сибир оққарағайи) жуда истиқболли (91 балдан юқори), сибир тилоғочи истиқболли (77-90 балл) ва қорақарағай турлари қисман истиқболли (61-76 балл) ўсимликлар гуруҳига киритилиб, улар республикамиз тоғли ҳудудларининг эстетик ҳолатини яхшилаш ҳамда кўкаламзорлаштиришда ассортиментларни бойитиш учун тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТУРАТОВ МУЗАФФАР НУРАЛИЕВИЧ

**ИНТРОДУКЦИЯ И БИОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ
ВИДОВ ХВОЙНЫХ В ГОРНОМ ХРЕБТЕ ТУРКЕСТАН**

**06.03.01 – Лесные культуры. Селекция, семеноводство и озеленение городов.
Агролесомелиорация и защитное лесоразведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент-2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2025.3.PhD/B1593

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский, английский) (резюме) размещен на веб-странице научного совета по адресу www.tdau.uz и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Хамроев Хусен Фатуллаевич доктор философии по сельскохозяйственным наукам, доцент
Официальные оппоненты:	Тохтаев Бобокул Ёркулович доктор биологических наук, профессор Мамутов Бахром Ходжаниязович доктор сельскохозяйственных наук
Ведущая организация:	Агентство по лесоукреплению, озеленению и борьбе с опустыниванием

Защита диссертации состоится 31 декабря 2025 года в 10.00 часов на заседании разового научного совета на основе Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tgau@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 2-этаж, малый зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована №355459) (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан в 19 декабря 2025 года.
(реестр протокола рассылки №1 от 2 декабря 2025 года).




Ш.Н.Асатов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д с х и., профессор


М.З.Холмуратов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д ф с х и., доцент


С.А.Юнусов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д с х и., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Создание лесов и озеленение во всем мире считается одним из наиболее эффективных способов преодоления негативных последствий засухи и изменения климата в масштабах страны. Международные организации, такие как Глобальный экологический фонд, Международный союз охраны природы, Программа ООН по окружающей среде, ЮНЕСКО, Глобальный мониторинг лесов, осуществляют деятельность по охране и увеличению лесных площадей. Таким образом, обогащение растительного мира регионов на основе методов интродукции, определение отношения видов к факторам внешней среды, выявление биоэкологических особенностей декоративных видов и разработка научно обоснованных методов их эффективного использования имеет научно-практическое значение.

В странах мира проводятся научные исследования, направленные на определение ареалов произрастания лесообразующих древесных видов, изучение их биоэкологических особенностей, оценку их отношения к факторам внешней среды и географического распространения, а также их рациональное использование. В связи с этим особое внимание уделяется агробиологии древесных видов и их отношению к факторам окружающей среды, оценке их адаптивности к условиям засухи и изменения климата, увеличению видового ассортимента и уровня озеленения территорий путем выращивания в различных климатических и почвенных условиях.

